

1. Қадимги туркий монийлик шеърларининг юзага келиш омиллари ҳақида нималар дея оласиз?
2. Монийлик адабиёти қандай жанрларни юзага келтирди?
3. Монийлик мифологиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?.
4. Монийлик мифологияси ва зардуштийлик муносабати масалаларига баҳо беринг.
5. Монийлик оқимига алоқадор мифологик образларни таҳлил қилинг.
6. Шеър санъатларининг жанрлар такомилига қандай таъсири бор?
7. Монийлик шеъриятида қайси бадиий тасвир воситалари имкониятидан кенгрөк фойдаланилган?
8. Монийлик шеърларидаги бадиий тасвир воситаларининг ислом даври адабиётида қўлланилишини таҳлил қилинг.
9. Бадиий тафаккур тараққиёти шеър санъатларининг такомилида қандай рол ўйнаганига баҳо беринг.
10. Ирқ битигининг моҳияти нималардан иборат?.
11. Нима учун Ирқ битигини дидактик асар сифатида баҳоланади?
12. Шомонлик оқимининг Ирқ битигига қандай таъсири бор?
13. Ирқ битигида мифологик образларнинг учраши сабабларини изоҳланг.
14. Таъбир ва таъбирлаш тушунчаларига қандай изоҳ берасиз?
15. Фол китобидаги етакчи ғоялар нималардан иборат?.
16. Фол китобидаги таъбирни семантик жиҳатдан неча гурухга ажратиш мумкин?
17. Фол китобининг юзага келишида монийлик оқимининг роли ҳақида нималар дейиш мумкин?
18. Ўрхун-Энасой обидалари нима учун тош битиклар деб ҳам аталади?
19. Ўрхун-Энасой обидалари қачон топилган?
20. Ўрхун-Энасой обидаларини ўрганиш билан шуғулланган олимларни биласизми?
21. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари қандай мавзуларда яратилган?
22. Бу ёдгорликларни қадимги туркий адабиётнинг намунаси сифатида баҳолаш мумкинми?
23. Тўнюкук қандай образ?
24. Култегин ва Билга хоқон битикларида ватан, шахс ва эрк ғоялари тасвири ҳақида нималар биласиз?
25. Монийлик ва буддавийлик шеърларидаги тўртликлар ўртасида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжудми? Изоҳланг.
26. Монийлик шеърларидаги тўртликларга хос хусусиятларни биласизми?
27. Қадимги туркий адабиётдаги тўртликлар ислом даври тўртликлари тарккиётида қандай рол ўйнаган?
28. Тўртлик шакли асосида қандай жанрлар юзага келган?
29. Буддавийлик оқими қайси даврлардан бошлаб шакллана бошлаган?
30. Буддавийлик оқимининг моҳиятини тушунтириб бера оласизми?
31. Сиддхартха ҳақида нималар биласиз?
32. Ку Тай афсонасининг моҳияти нималардан иборат?
33. Мағаствининг ўзини қурбон қилиши сабабини қандай изоҳлайсиз?
34. Қадимги туркий буддавийлик шеърларини юзага келиш омиллари ҳақида нималар дея оласиз?
35. Буддавийлик адабиёти қанақа жанрларнинг юзага келишига сабаб бўлди?
36. Буддавийлик даврида яшаб ижод қилган қайси шоирларни биласиз?
37. Буддавийлик шеъриятига хос хусусиятларни сананг.